

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАСАНОВ АЗИЗ ҚОСИМОВИЧ

**ЎПКА ЙИРИНГЛИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ МИНИИНВАЗИВ
ДАВОЛАШ УСУЛИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хасанов Азиз Қосимович

Ўпка йирингли касалликларини миниинвазив
даволаш усули 5

Хасанов Азиз Қосимович

Малоинвазивный метод лечения гнойных
заболеваний легких 21

Xasanov Aziz Qosimovich

Minimally invasive method of treatment of
purulent lung diseases 39

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works 43

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАСАНОВ АЗИЗ ҚОСИМОВИЧ

**ЎПКА ЙИРИНГЛИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ МИНИИНВАЗИВ
ДАВОЛАШ УСУЛИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.2.PhD/Tib990 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сафоев Бақодир Барноевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оponentлар: Хамидов Магомед Аҳмедович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Уроков Шухрат Тўхтаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий
тиббиёт маркази

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 8 » июн кунини соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида тапишиш мумкин (021 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2021 йил « 23 » июн кунини таркатилди.
(2021 йил « 23 » июн даги 16 рақамли реестр баённомаси).



А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, «...барча йирингли-жарроҳлик патологиялар орасида ўпка ва плевранинг йирингли-деструктив касалликлари 10-18% ни ташкил қилади, ногиронлик ва ўлим даражаси бўйича улар 4-ўринни эгаллайди»¹. Ўпка йирингли касалликлари диагностикаси ва давоси бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган, чунончи ушбу касалликларни турли даволаш усуллари, шу жумладан миниинвазив усулларни қўллаш ҳамда соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш зарурат ҳисобланади. «...Ўпка ва плевранинг йирингли-деструктив касалликларида уларнинг оғирлигига қараб ўлим даражаси 2,1% дан 35,6% гачани, гангреноз абцессларда 23,4% дан 74,1% » гачани ташкил қилади². Бугунги кунда миниинвазив усулларни қўллаган ҳолда беморларни даволаш самарадорлигини ошириш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида ҳозирги вақтда етук мутахассислар томонидан ўпканинг ўткир йирингли-деструктив касалликлари пайдо бўлишининг патогенетик механизмларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш билан бир вақтда, тадқиқотчилар томонидан ўпканинг ўткир йирингли-деструктив касалликларини даволаш мақсадида бронхоскопик санация қилиш усулларини такомиллаштириш ҳамда замонавий хирургик даволаш усулларида миниинвазив йўл билан йирингли ўчоқларни транстрахиал, трансторакал дренажлаш усулларини қўллаш билан даволаш натижаларини яхшилаш, жаҳондаги олимларининг бугунги кундаги замонавий асосий илмий ёндошувларидан ҳисобланади. Бу йўналишда охириги йилларда эришилган ютуқларга қарамасдан ўпканинг йирингли касалликларини даволаш хирургиянинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Ҳанузгача эришилган натижалар амалиёт шифокорларини тўлиқ қониқтирмайди. Шу муносабат билан ўпка йирингли-деструктив касалликларини даволашнинг самарали ва кам шикастлайдиган усулларини излаш, янги, миниинвазив технологияларни ривожлантириш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва турларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чоралар кўриломоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолининг заиф тоифаларига, уларнинг ҳаёт тарзини яхшилашни таъминлаш учун тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини

¹Lopez-Campos JL, Miravittles M, de la Rosa Carrillo D, Cantón R, Soler-Cataluña JJ, Martinez-Garcia MA. Current Challenges in Chronic Bronchial Infection in Patients with Chronic Obstructive Pulmonary Disease // J. Clin Med. – 2020. - N28;9(6). – P.1639.

²Troy L.K., Grainge C., Corte T.J., Williamson J.P. Diagnostic accuracy of transbronchial lung cryobiopsy for interstitial lung disease diagnosis (COLDICE): a prospective, comparative study // Lancet Respir Med. – 2020. - N8(2). - P.171-181.

ривожлантириш ва такомиллаштириш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу йўналишда, хусусан, ўпка абсцесси билан касалланган беморларни даволаш сифатини оширишда ижобий натижаларга эришилган бўлсада, Шу билан бирга, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун шу соҳа мутахассислари учун муҳим муаммо бўлган ўпка йирингли касалликларини жарроҳлик йули билан даволашнинг янги усуллари самарадорлигини яхшилаш учун, илмий асосланган янги даволаш усуллари ишлаб чиқишни талаб қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Йирингли ўпка касалликлари, шу жумладан ўпканинг ўткир ва сурункали абсцесслари торакал хирургиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўпка абсцесслари билан касалланган беморлар сони барча ўткир йирингли ўпка касалликларининг 35-40% ини ташкил қилмоқда ва касаллик кўпайиши давом этмоқда. Zaizen Y. (2019) фикрига кўра, дунёнинг аксарият мамлакатларида ўпканинг йирингли-септик касалликлари камайиш кўрсаткичлари мавжуд эмас, муҳими, ўпка ўткир йирингли-деструктив касалликларининг оғир ва асоратланган шакллари билан касалланганлар сони кўпаймоқда.

Йирингли-деструктив жараёнларнинг сурункали босқичга ўтиши кўпинча анатомик тузилишларнинг йўқолиши, сўнгра пневмоцирроз шаклланиши ва натижада беморнинг танатогенезида катта рол ўйнайдиган ўпка юрак этишмовчилигининг ривожланиши билан бирга келади (Otsuji K. et al., 2019). Ўткир ўпка абсцесс ва плеврал эмпиемасини даволаш муаммоси мураккаб бўлиб қолмоқда, олинган натижалар ҳар доим ҳам шифокорларни қониқтирмайди. Mendez R. (2019) тадқиқотларида даволашдан сўнг ўпкада кўпинча асорат қолади, беморларнинг учдан бирида бу жараён ўткирдан сурункали ҳолатга ўтади ва 11,7% ҳолларда касаллик қайталаниши содир бўлади. Меҳнатга лаёқатсизлик даволаниш вақтида 40 кундан 70 кунгачани ташкил қилади. Шунинг учун ўткир ўпка абсцессларини даволашнинг турли

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» ПФ-4947-сонли фармони.

усулларидан фойдаланиш ва самарадорлигини ўрганиш, уларни такомиллаштириш долзарб бўлиб, катта ижтимоий аҳамиятга эга.

Даволаш жараёни учун замонавий антибактериал дорилар ва антисептиклардан нотўғри фойдаланиш касалхоналарда атибиотикларга резистентлиги юқори бўлган патоген микроорганизмлар штамmlарининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан, ҳозирги вақтда касалликнинг этиопатогенетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда умумий ва маҳаллий антибиотик терапиясини ўз ичига олган консерватив даво тактикаси ҳар доим ҳам самарали эмас (Feki W. et al., 2019).

Бронхоскопик санациядан фойдаланиш бронхлар ички деворининг ёпилмаслиги учун даволашнинг самарали усули ҳисобланиб, абцесснинг кейинги ривожланишига йўл қўймайди. Шаклланган абцесларда йирингли ўчоқларни турли хил йўллар билан дренажлаш самарали бўлади. Дробязгин Е.А. (2020) фикрига кўра, ўпка йирингли бўшлиқларини дренажлашнинг кўплаб маълум бўлган усуллари доимо етарлича самарали эмас, қиммат ёки махсус жиҳозларни талаб қилади, асоратлар ҳам етарлича, бу уларнинг кенг қўлланилишини чеклайди. Сўнгги йилларда даволаш тадбирлари комплексига миниинвазив жарроҳлик усуллари киритилди: микротрахеостомия ва бронхлар вақтинча окклюзияси, бу даволаш натижаларини яхшилашга, асоратлар сонини камайтиришга ва даволаниш муддатини қисқартиришга ёрдам берди. Шу билан бирга илмий манбаларда дренажлаш ва санация қилишнинг турли усуллари самарадорлиги тўғрисида қарама-қарши маълумотлар мавжуд, уларнинг қўлланилиши учун кўрсатмалар аниқ белгиланмаган. Буларнинг барчаси дренажлаш ва санация қилишнинг камроқ шикастлантирадиган усуллардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 02.2019.PhD.044-сонли «Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади беморларда ўпка йирингли касалликларини миниинвазив усул ёрдамида даволаш ва унинг натижалари самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

йирингли ўпка касалликлари билан оғриган беморларни даволашнинг анъанавий усули натижаларини таҳлил қилиш;

йирингли ўпка касалликлари бўлган беморларда йирингли бўшлиқнинг трахеобронхиал дренажидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;

турли миниинвазив ва анъанавий даволаш усуллари натижаларини қиёсий баҳолаш;

тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлил қилиш асосида, ўпканинг йирингли касалликлари билан оғриган беморларни даволашнинг кам жароҳатли, миниинвазив оптимал усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази йирингли жарроҳлик бўлимида даволанган 172 нафар ўпканинг ўткир йирингли касалликлари билан касалланган беморлар бўлган.

Тадқиқотнинг предмети йирингли ўпка касалликлари бўлган беморларда консерватив даво натижалари билан ва йирингли бўшлиқларни трахеобронхиал дренажлашнинг турли хил усуллари, янги назотрахеобронхиал усул билан таҳлил қилишдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги тадқиқот усулларида фойдаланилган: клиник, инструментал (рентген, бронхоскопик), бактериологик, цитологик ва статистик усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

йирингли ўпка касалликларини даволаш комплексида назотрахеобронхиал дренажлаш усулидан фойдаланиш даволаш натижаларига ишонарли ижобий таъсир кўрсатиши, йирингли бўшлиқлар инфекциядан тозаланишини тезлаштириши, абсцесс бўшлиғининг кичрайиши, даволаш давомийлигини камайтириши исботланган;

ўпканинг йирингли касалликлари билан оғриган беморлар балғамидан *Staphylococcus aureus* монокультура ва ассоциация шаклларида кўп идентификация қилиниб, бошқа грамманфий ва граммусбат патоген микроорганизмларга нисбатан этиологик агент сифатида учраши аниқланган;

назотрахеобронхиал дренажнинг мақсадли антибактериал терапия билан биргаликда қўлланилишидан фойдаланиш бемор қонида кислород билан тўйинганлик индексининг анъанавий даволашга нисбатан тезроқ барқарорлаштириши аниқланган;

йирингли ўпка касалликлари билан касалланган беморларни даволашда йирингли бўшлиқларни назотрахеобронхиал катетеризация қилиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, бу кам жароҳатли ва миниинвазив усул сифатида касаллик салбий оқибатларини қисқа вақт ичида камайтиришга имкон берганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

йирингли ўпка касалликлари билан касалланган беморларни анъанавий усул билан антибиотик терапия, этиопатогенетик ва симптоматик даволаганда, йирингли бўшлиқларни микроорганизмлардан кеч тозаланиши, йирингли бўшлиқ ўлчамининг кичрайиш давомийлигининг секин кечиши ва касалхонада даволаниш ўртача давомийлиги етарлича камаймаслиги исботланган;

микротрахестомия орқали ўпканинг йирингли бўшлиғини транстрахеал дренажлаш микротрахестомия атрофидаги юмшоқ тўқималар йиринглаши, операциядан кейинги бронхоспазм, трахеобронхит, овоз бўғилиши ва микротрахеостомик катетернинг тушиб кетиши каби асоратларга олиб келиши исботланган;

назотрахеобронхиал санацияни қўллаш методикаси ҳамда санацияни тўхтатишга ва эндотрахеобронхиал катетерни олиб ташлашга кўрсатмалар йирингли бўшлиқлар ҳажмининг пасайиши, шунингдек йирингли яллиғланиш жараёнининг регрессиясининг рентгенологик белгилари эканлиги аниқланган;

назотрахеобронхиал дренажлаш усули билан даволаш бошқа анъанавий усуллар билан таққослаганда йирингли бўшлиқлар ҳажми кичрайиши ва тўқима сатурацияси кўрсаткичлари ошиши билан тавсия этилаётган миниинвазив усулнинг юқори тиббий самарадорлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот объектлари сони етарлилиги, клиник, инструментал (рентген, бронхоскопик), бактериологик, цитологик ва статистик усуллар ёрдамида ишланганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий илмий манбалар билан таққосланганлиги, хулоса, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти йирингли ўпка касалликларини даволаш комплексда назотрахеобронхиал дренажлаш усулидан фойдаланиш даволаш натижаларига ижобий таъсир кўрсатиши, йирингли бўшлиқлар инфекциядан тозаланишини тезлаштириши, абсцесс бўшлиғи кичрайиши, даволаш давомийлиги камайиши, тавсия этилган усулнинг бемор қонида кислород билан тўйинганлик индексининг анъанавий даволашга нисбатан икки баравар тезроқ барқарорлаштириши, салбий оқибатларнинг қисқа вақт ичида камайтиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти йирингли ўпка касалликлари ташхисланган беморларни анъанавий даволаш йирингли бўшлиқларни инфекциядан кеч тозаланиши, йирингли бўшлиқ ўлчамининг кичрайиш давомийлиги узайиши, касалхонада даволаниш ўртача давомийлиги камайиши, назотрахеобронхиал дренажлаш усули билан даволаш бошқа анъанавий усуллар билан таққослаганда йирингли бўшлиқлар ҳажми кичрайиши ва тўқима сатурацияси кўрсаткичлари ошиши, шунингдек тавсия этилаётган миниинвазив усулнинг юқори тиббий самарадорлигидан далолат бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Йирингли-деструктив ўпка касалликлари билан касалланган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

bronхиал оқма билан асоратланган ўпка йирингли касалликларини даволашда йирингли ўчоқни транстрахеал дренажлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Бронхиал оқма билан асоратланган ўпка йирингли касалликларини даволашда йирингли ўчоқни транстрахеал дренажлаш самарадорлиги» номли услубий тавсияномаси (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 8н-д/199-сон маълумотномаси) тасдиқланган. Тавсия этилган тавсиялар йирингли бўшлиқлар ҳажмининг пасайиши ва йирингли яллиғланиш жараёнининг регрессияси туфайли ўпканинг йирингли-деструктив касалликлари билан жарроҳлик даволаш сифатини оширишга имкон берган;

бронхиал оқма билан асоратланган ўпка йирингли касалликларини даволашда ўпкани назотрахеобронхиал дренажлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Бронхиал оқма билан асоратланган ўпка йирингли касалликларини даволашда ўпкани назотрахеобронхиал дренажлаш» номли услубий тавсияномаси (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 24 ноябрдаги 8н-д/199-сон маълумотномаси) тасдиқланган. Мазкур тавсиянома йирингли бўшлиқларни инфекциядан тозалашни тезлаштириш, абсцесс бўшлиғининг кичрайиш вақтини қисқартириш ва даволаниш давомийлигини қисқартириш имконини берган;

йирингли-деструктив ўпка касалликлари билан касалланган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Жондор туман тиббиёт бирлашмаси, Когон тиббиёт бирлашмаси ва Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 21-декабрдаги 8н-з/202-сон маълумотномаси). Даволашнинг тавсия қилинган тактикасидан фойдаланиш йирингли бўшлиқлар ҳажми камайиши, инфекциядан тозалашни тезлаштириши, даволашнинг ўртача давомийлиги икки барабар қисқартиришига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодаланган, илмий янгилиги ва натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти келтирилган, иш натижаларини апробацияси ва чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва таркиби ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Ўпканинг йирингли касалликлари билан касалланган беморларни этиопатогенези ва даволашнинг долзарб ҳолати: адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида ушбу муаммонинг ҳозирги ҳолати маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари асосида таҳлил қилинган. Ўпканинг йирингли-деструктив касалликлари учраш даражаси ва ушбу касалликни жарроҳлик йўли билан даволашнинг

замонавий ёндашувлари тўғрисида маълумотлар келтирилган, дренажлашда бронхоскопик аралашувларнинг кенг қўлланилишини тасдиқловчи далиллар келтирилган. Консерватив ва жарроҳлик даволаш усуллари самарадорлигини баҳолаш бўйича саволлар кўриб чиқилган. У кейинги ўрганиш масалаларига бағишланган бобнинг қисқача хулосаси билан яқунланган.

Диссертациянинг «Клиник материалларнинг хусусиятлари, тадқиқот ва даволаш усуллари» деб номланган иккинчи бобида беморларнинг клиник хусусиятлари берилган ва уларни даволаш воситалари, усуллари, клиник-лаборатор ва инструментал текшириш усуллари баён этилган.

Бронхиал оқма билан асоратланган ўпканинг ўткир йирингли касалликларига чалинган, 172 нафар беморни текшириш ва даволаш маълумотлари таҳлил қилинган. Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази касалхонасидаги 2009-2019 йиллар давомида даволанган беморлар тадқиқотларга жалб қилинган.

Барча беморлар, даволаш услубига қараб, 2 гуруҳга бўлинган: I - назорат гуруҳи ва II - асосий гуруҳ (1-жадвал).

1-жадвал

Беморларни даволаш турига қараб тақсимланиши

Беморлар гуруҳлари	Даволаш усули
Назорат гуруҳи I гуруҳ (n=134)	А – консерватив, антибактериал, умумий қувватловчи ва симптоматик даволаш усули (n=42) Б – консерватив даво ва бронхоскопик санация (n=68) В – консерватив даво билан йирингли бўшлиқни транстрахеал дренажлаш (n=24)
Асосий гуруҳ II асосий гуруҳ (n=38)	консерватив даво билан йирингли бўшлиқни назотрахеобронхиал дренажлаш усули.

Биринчи назорат гуруҳидаги 134 нафар беморнинг 77 (57,5%) нафарига йирингли бўшлиқ ўнг ўпкада жойлашган бўлса, 57 (42,5%) нафар беморларда чап ўпкада жойлашиши кузатилган. II гуруҳдаги 38 нафар беморнинг 22 (57,9%) нафарида ўнг ўпкада жойлашган бўлса, 16 (42,1%) нафар беморнинг чап ўпка томонида йирингли бўшлиқлар аниқланган.

Шуни таъкидлаш керакки, ўткир абсцеслар билан касалланган беморларнинг 80% и пневмониянинг асорати туфайли юзага келган.

Назорат ва асосий гуруҳдаги барча текширилган беморлар 60% гача оғир ва 40% гача ўртача оғирликдаги ҳолатда мурожаат қилишган. Улар қуйидаги шикоятлар билан мурожаат қилишган: ҳавонинг етишмаслик ҳисси, йўтал, йирингли балғам чиқиши, нафас қисилиши, доимий юқори ҳарорат. Объектив текширувлар натижасида уларда нафас қисилиши, цианоз, тахикардия ва умумий ҳолсизлик, 35% ҳолатда мажбурий ҳолат ва тана ҳарорати доимий равишда юқори бўлганлиги кузатилган.

Клиник текширув усуллари бронхдаги абсцеснинг дренажланиши ёки унинг обструкцияси, интоксикация, нафас олиш етишмовчилиги, сепсис белгиларини аниқлашга қаратилган. Барча беморларда қоннинг комплекс текшируви ўтказилган, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари аниқланган, сийдикнинг умумий таҳлили ўтказилган, ЭКГ ўтказилган. Ёндош касалликлари аниқланганда, беморларга тегишли мутахассислар томонидан маслаҳат берилган ва ихтисослаштирилган текширувлар ўтказилган. Периферик қоннинг умумий таҳлили CELL-DYN 3700 (АҚШ) автоматик қон анализаторида оч қоринга ёки мурожаат қилган кун бўлса, енгил нонушта қилгандан кейин бир соат ўтгач ҳамда даволанишнинг кейинги еттинчи ва ўн тўртинчи кунлари ўтказилган. Лейкоцитоз ва лейкоцитар формулага эътибор берилган. Шунингдек, лейкоцитлар интоксикация индекси (ЛИИ) - нейтрофилларнинг лимфоцитларга, моноцитларга ва эозинофилларга нисбати ва лимфоцитар индекси (ЛИ) алоҳида баҳоланган.

Балғамнинг микробиологик таҳлилида кўзгатувчилар тури ва сонини баҳолаш билан, унинг турли антибиотикларга таъсирчанлигини аниқлаш амалга оширилган. Эндоген интоксикация даражаси ўртача молекуляр оғирликдаги пептидлар (МСМ) ҳажми 210 нм тўлқин узунлигидаги спектрометрия билан баҳоланган.

Тўқималар ва танадаги гипоксия даражасини аниқлаш учун сатурация (SpO_2) пулсоксиметр ёрдамида ўрганилган.

Барча материалларни статистик ишлаш анъанавий вариацион статистика усулларида фойдаланиб, амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Ўпка йирингли касалликларини анъанавий даволаш натижалари**» деб номланган учинчи бобида ўпканинг йирингли касалликлари бўлган беморларни анъанавий даволаш самарадорлиги келтирилган.

I гуруҳга турли хил этиологияли ўпканинг йирингли касалликларига чалинган 134 нафар бемор кирган. Улардан 69 нафари (51,5%) ўткир абсцесс билан, 33 нафари (24,6%) сурункали абсцеснинг кўзиши билан, 32 (23,8%) нафар бемор паразитар кистани олиб ташлагандан сўнг қолдиқ бўшлиқнинг йиринглаши билан мурожаат қилган. Таъкидланганидек, назорат гуруҳидаги барча текширувдан ўтган беморлар аксарият ҳолларда 60% оғир аҳволда ва 40% ўртача оғирлик ҳолатида ётқизилган. Уларнинг барчаси қуйидаги шикоятлар билан қабул қилинган: ҳаво етишмаслиги, қўланса ҳидли йўтал (30%), йирингли балғам чиқиши, жисмоний зўриқишда нафас сиқишининг кучайиши, доимий равишда юқори ҳарорат, терлаш, умумий ҳолсизлик.

Объектив текширувда қуйидагилар аниқланган: нафас қисилиши, цианоз, тахикардия, ҳолсизлик, 35% ҳолларда тананинг мажбурий ҳолати, тана ҳарорати доимий равишда юқори бўлиши.

I А кичик гуруҳида йирингли ўпка касалликлари бўлган беморлар организмнинг интоксикация кўрсаткичлари натижаларини таҳлил қилишда қуйидаги ўзгаришлар аниқланган. Даволанишнинг биринчи кунда беморларнинг тана ҳарорати ўртача $39,1 \pm 0,07^\circ\text{C}$ ни, қон лейкоцитларининг таркиби ўртача $12,8 \pm 0,54 \times 10^9/\text{л}$ ни ташкил этган. Худди шу тарзда, ЛИИ ва

ЭЧТ кўрсаткичлари юқорилиги қайд этган. Даволашнинг учинчи кунда тана ҳарорати кўрсаткичлари $39,1 \pm 0,07^{\circ}\text{C}$ дан $38,6 \pm 0,03^{\circ}\text{C}$ гача пасайган, қон лейкоцитлари кўрсаткичи ўртача $11,03 \pm 0,5 \times 10^9/\text{л}$ га камайган. Ўрта молекулаларнинг ҳажми ўртача $0,187 \pm 0,01$ бирликни ташкил этган. Даволанишнинг ўн тўртинчи кунга келиб, бу рақамлар, янада камайишга мойил бўлишига қарамай, меъёрдан юқори бўлиб қолган. Даволанишнинг йигирманчи кунга келиб ЭЧТ дан ташқари, қоннинг таҳлил қилинган барча интоксикация кўрсаткичлари нормаллашган.

Ўпкада йирингли жараёни баҳолашнинг навбатдаги характерли меъзонларидан бири микроорганизмлар билан ифлосланиш даражасини, микрофлоранинг турини аниқлаш бўлган. Йирингли ўпка касалликлари билан касалланган беморларнинг балғамидан олинган микрофлоранинг тури аниқланган.

Кўпгина ҳолларда, 42 нафар беморда *Staphylococcus aureus* 24 нафарда аниқланган, улардан 15 таси (62,5%) монокультура шаклида ва 9 таси (37,5%) ассоциация кўринишида учраган. 11 та (26,1%) ҳолатда *Streptococcus pneumoniae*, 4 та (9,5%) ҳолатда *Escherichia coli* аниқланган. *Proteus spp* 2 нафар (4,7%) беморда кузатилган. Кейинчалик 5 та (11,9%) ҳолатда *Streptococcus haemolyticus* идентификация қилинган, *Pseudomonas aeruginosa* 3 нафар (7,1%) беморда аниқланган.

Рентген тасвирлари ва кўкрак қафаси МСКТ таҳлил қилинганда, I А кичик гуруҳдаги беморларда кузатув давомида йирингли ўчоқ бўшлиғининг ҳажми ўртача $6,72 \pm 0,26$ см ни ташкил қилиб, мунтазам камайганлиги аниқланган, аммо бўшлиқнинг кичрайиш даражаси сезиларли даражада суст бўлган. Даволашнинг йигирманчи кунгача бўшлиқларнинг ўртача ҳажми $3,4 \pm 0,15$ см ни ташкил этган, бу бошланғич катталиқдан 50,6% пасайишига тўғри келган.

Қабул куни I А кичик гуруҳидаги беморларда $\text{SpO}_2\%$ кўрсаткичлари меъёрдан ($92,06 \pm 0,08\%$) сезиларли даражада кам бўлган. Даволаш пайтида $\text{SpO}_2\%$ кўрсаткичи секин суратларда нормаллашган. Даволашнинг учинчи кунда сатурация кўрсаткичининг динамик ўсиши сезиларли даражада кузатилмаган. Даволашнинг 6-7 кундан бошлаб $\text{SpO}_2\%$ кўрсаткичининг ижобий динамикаси кузатилиб, ўртача $92,96 \pm 0,11\%$ га етган, сатурация кўрсаткичи биринчи кунга қараганда 0,9% гача кўтарилган, кейинчалик йигирманчи кунга нисбатан динамик ўсиш кузатилиб, $94,67 \pm 0,12\%$ га етган, бу бошланғич кўрсаткичлардан 2,6% га сезиларли даражада фарқ қилган.

I А кичик гуруҳида стационар даволанишнинг ўртача давомийлиги $22 \pm 1,4$ кун бўлган.

Назорат гуруҳининг I Б кичик гуруҳидаги йирингли ўпка касалликлари билан касалланган беморлар организмнинг интоксикацияси кўрсаткичлари натижаларини таҳлил қилишда қуйидаги ўзгаришлар аниқланган: даволашнинг биринчи кунда беморлар тана ҳарорати ўртача $39,2 \pm 0,05^{\circ}\text{C}$ бўлган. Қон лейкоцитлари таркиби ўртача $12,19 \pm 0,36 \times 10^9/\text{л}$ ни ташкил этган. Ўрта молекулаларнинг ҳажми ўртача $0,223 \pm 0,004$ бирлик бўлган, худди шу тарзда ЛИИ ва ЭЧТ ўсиши қайд этилган. Даволашнинг учинчи кунда тана

харорати кўрсаткичлари $39,2 \pm 0,05^{\circ}\text{C}$ дан $38,16 \pm 0,07^{\circ}\text{C}$ гача пасайиши қайд этилган, қон лейкоцитлари сони ўртача $10,66 \pm 0,33 \times 10^9/\text{л}$ га камайган. Ўрта молекулаларнинг ҳажми ўртача $0,194 \pm 0,003$ бирликни ташкил этган. ЛИИ ва ЭЧТ кўрсаткичларининг мос равишда $2,1 \pm 0,11$ ва $36,1 \pm 1,58$ гача пасайиши кузатилган. Даволашнинг ўн тўртинчи кунига келиб, бу кўрсаткичларда янада пасайиш бўлишига қарамай, барибир меъёрдан юқори бўлиб қолган. Даволашнинг йигирманчи кунга келиб ЭЧТ дан ташқари, қоннинг таҳлил қилинган барча интоксикация кўрсаткичлари нормаллашган.

Ўпкада йирингли жараёни баҳолаш учун характерли мезонлардан бири микроорганизмлар билан ифлосланиш даражаси, уларни миқдорий ва сифатий жиҳатдан аниқлаш бўлган. Йирингли ўпка касалликлари билан касалланган беморлар балғамидан микрофлора тур таркиби аниқланган.

Кўпгина ҳолларда, 68 нафар беморда *Staphylococcus aureus* 29 нафарда аниқланган, улардан 13 таси (19,3%) монокультура шаклида ва 16 таси (23,5%) ассоциация кўринишида, 18 та (26,4%) ҳолатда, *Streptococcus pneumoniae* ва 6 та (8,8%) ҳолатда *Escherichia coli* аниқланган. *Proteus spp* аниқлашни кўрсаткичи бўйича кейинги ўринни эгалланган - 3 нафар (4,4%) беморда. Кейин 8 та (11,7%) ҳолатда *Streptococcus haemoliticus* кузатилган, *Pseudomonas aeruginosa* 5 нафар (7,3%) беморда аниқланган.

Рентген текширувлар ва кўкрак қафаси МСКТ таҳлил қилганда, қабул қилинган кун I Б кичик гуруҳидаги беморларда ўпканинг йирингли ўчоқ бўшлиқлари катталиги $6,82 \pm 0,20$ см ни ташкил қилиб, I А кичик гуруҳидаги каби бўлганлиги аниқланган. Динамикада кузатувлар давомида йирингли бўшлиқ ҳажми мунтазам равишда камайиб борган, аммо I Б кичик гуруҳидаги беморларда йирингли бўшлиқ кичрайиши I А кичик гуруҳидан олдинда бўлган. Даволашнинг йигирманчи кунига бўшлиқлар ҳажми $3,11 \pm 0,10$ см га камайган, яъни биринчи аниқланган ўлчамидан 45,6% гача кичрайган. I А кичик гуруҳ беморларида эса ушбу кўрсаткич $3,4 \pm 0,15$ см гача, яъни биринчи аниқланган ўлчамидан 50,6% гача кичрайган.

$\text{SpO}_2\%$ кўрсаткичларини I Б кичик гуруҳидаги беморларда ўрганишда қуйидагилар аниқланган: қабул кунига I Б кичик гуруҳидаги беморларда $\text{SpO}_2\%$ кўрсаткичлари ҳам меъёрдан анча паст - $91,51 \pm 0,09\%$ ни ташкил қилган. Даволаш жараёнида $\text{SpO}_2\%$ кўрсаткичлари I А кичик гуруҳига қараганда нормаллашиш тенденциясига эга бўлган. Даволаш жараёнида еттинчи ва ўн тўртинчи кунларда сезиларли ижобий динамика кузатилиб, $94,43 \pm 0,12\%$ га, йигирманчи кунга келиб $94,78 \pm 0,17\%$ га этган.

I Б кичик гуруҳида стационар даволанишнинг ўртача давомийлиги $18 \pm 2,1$ кун бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, I Б кичик гуруҳида 68 нафар беморнинг узок муддатли кундалик бронкоскопия ўтказиши туфайли 16 (23,52%) нафар беморда катарал трахеобронхитнинг турли даражалари бўлган. Уларнинг аксарияти трахея бифуркацияси соҳасида 13 та (19,11%) ҳолатда ривожланган. 2 нафар (2,94%) беморда ўн саккизинчи кунгача овознинг ўзгариши пайдо бўлган. Уларнинг барчаси тегишли консерватив даволанишдан сўнг, тўхтатилган.

Ўпка йирингли касалликлари билан касалланган беморлар танасининг интоксикация кўрсаткичларини ўрганиш натижалари I В кичик гуруҳида ўзгаришлар аниқланган. Даволанишнинг дастлабки кунларида беморлар тана ҳарорати ўртача $39,5 \pm 0,05^{\circ}\text{C}$ бўлган. Қон лейкоцитлари таркиби ўртача $12,86 \pm 0,83 \times 10^9/\text{л}$ ни ташкил этган. Ўрта молекулалар ҳажми ўртача $0,210 \pm 0,010$ бирликни ташкил этган. Худди шу тарзда, ЛИИ ва ЭЧТ ўсиши қайд этилган. Даволашнинг учинчи кунда тана ҳарорати $39,5 \pm 0,05^{\circ}\text{C}$ дан $37,5 \pm 0,10^{\circ}\text{C}$ гача пасайиши қайд этилган, қон лейкоцитлари сони ўртача $9,96 \pm 0,59 \times 10^9/\text{л}$ гача камайган. Ўрта молекулалар ҳажми ўртача $0,150 \pm 0,006$ бирликни ташкил этган. ЛИИ ва ЭЧТ кўрсаткичларининг мос равишда $1,73 \pm 0,05$ ва $39,6 \pm 1,48$ гача пасайиши кузатилган. Еттинчи кунга келиб организм интоксикациясининг барча кўрсаткичлари: Л, МСМ, ЛИИ ва қон ЭЧТ учун уларнинг кейинги пасайиши қайд этилган, яъни мос равишда нормал кўрсаткичларга яқин бўлган – мос равишда $7,93 \pm 0,47 \times 10^9$; $0,143 \pm 0,006$; $1,35 \pm 0,04$; $25,05 \pm 0,90$. Кейинги даволаш ва кузатувлар билан, ўн тўртинчи кунга келиб, барча таҳлил қилинган кўрсаткичлар нормал чегараларда бўлган.

I В кичик гуруҳи - ўпканинг йирингли касалликлари билан касалланган беморларнинг балғамидан унган микроорганизмлар аниқланган тур таркибини таққослаш келтирилган.

Жами 24 нафар бемордан 14 нафарда *Staphylococcus aureus* унган, улардан 8 таси (57,1%) монокультура шаклида ва 6 таси (42,8%) ассоциацияларда аниқланган. 7 та (29,2%) ҳолатда *Streptococcus pneumoniae*, 2 та (8,3%) ҳолатда *Escherichia coli* аниқланган. *Proteus spp* 1 та (4,2%) ҳолатда, *Streptococcus haemoliticus* 3 (12,5%) ҳолатда, *Pseudomonas aeruginosa* 1 (4,2%) нафар беморда аниқланган.

Рентгенологик текширув ва кўкрак қафасининг МСКТ кўрсаткичларини таҳлил қилганда, қабул қилинган кун I В кичик гуруҳидаги беморларда ўпканинг йирингли ўчоқли бўшлиқларининг катталиги ўртача $7,31 \pm 0,39$ см ни ташкил қилиб, I А ва I Б кичик гуруҳларида бир хил бўлганлиги аниқланган. Қабул кунида ўрганилган турли кичик гуруҳларнинг ушбу кўрсаткичлари сезиларли даражада фарқ қилмаган. Шунинг таъкидлаш керакки, I В кичик гуруҳидаги беморларда бўшлиқ ҳажмининг кичрайиш тезлиги I А ва I Б га қараганда тезроқ бўлган. Йигирманчи кунга келиб доимий катетеризация қилинган йирингли бўшлиқлар $2,5 \pm 0,07$ см гача, яъни бошланғич ўлчамидан 34,2% гача камайган, I А кичик гуруҳидаги беморларда ушбу даврларда $3,4 \pm 0,15$ см гача, яъни бошланғич ўлчамидан 50,6% гача кичрайган бўлиб I Б кичик гуруҳида эса бу кўрсаткичлар $3,1 \pm 0,10$ см гача яъни бошланғич ўлчамидан 45,6% гача кичрайган. Бундан кўриниб турибдики, I В кичик гуруҳидаги беморларда йирингли бўшлиқларнинг кичрайиш жараёни аввалги кичик гуруҳларга қараганда анча тезлашган.

I В кичик гуруҳларида беморларда $\text{SpO}_2\%$ кўрсаткичлари таҳлил қилишда қуйидагилар аниқланган: қабул куни I В кичик гуруҳидаги беморларда $\text{SpO}_2\%$ кўрсаткичлари меъёрдан сезиларли даражада кам, $91,72 \pm 0,16\%$ га тенг. Кейинчалик $\text{SpO}_2\%$ кўрсаткичлари динамикаси I А ва I Б кичик гуруҳларига

қараганда тез нормаллашиши кузатилган. Даволашнинг учинчи кунда I B кичик гуруҳидаги беморларда I A ва I B кичик гуруҳлари ўртасидаги фарқ SpO₂% кўрсаткичлари динамик ўсиши сезиларли ижобий таъсир кўрсатган. Кейинчалик, даволаш жараёнида, еттинчи ва ўн тўртинчи кунларда I B кичик гуруҳидаги беморларда сезиларли ижобий динамика кузатилган, 94,08±0,19%, йигирманчи кунга қадар 94,94±0,31% га етган.

I B кичик гуруҳда стационар даволанишнинг ўртача давомийлиги 14±1,8 кунни ташкил этган.

Диссертациянинг «Йирингли ўпка бўшлиғининг назотрахеобронхиал усул билан дренажлаб даволаш самарадорлиги» номли тўртинчи бобидан 38 нафар беморда назотрахеобронхиал дренажлаш усули ёрдамида тадқиқот натижалари келтирилган.

Объектив текширишлар натижасида улар нафас қисиши, цианоз, тахикардия, 35% ҳолларда мажбурий ҳолатда, тана ҳарорати доимий равишда юқори бўлган.

Иккинчи таққослаш гуруҳидаги 38 беморнинг 20 нафари (52,6%) йирингли бўшлиқнинг ўнг томонлама жойлашганлиги, 18 нафар (47,4%) беморда чап томонлама жойлашиши кузатилган. Ўнг томонлама жойлашган 20 нафар беморнинг 7 нафарида (35,0%) йирингли бўшлиқ юқори бўлакда, 9 нафарида (45,0%) ўнг ўпканинг пастки бўлагида, 4 нафарида (20,0%) ўрта бўлакда жойлашган. 18 нафар беморларда йирингли бўшлиқнинг чап томонлама жойлашганлиги сабабли, 12 (66,6%) нафар беморларда пастки бўлакда, 6 (33,6%) нафар беморда юқори бўлакда жойлашган.

2-жадвал

II - асосий гуруҳидаги ўпка йирингли касалликлари бўлган беморларда интоксикация кўрсаткичлари динамикаси (n=38)

Кўрсаткичлар	Кузатиш вақти			
	Келган куни	3-кун	7-кун	14-кун
Тана ҳарорати °C	39,9±0,09	37,30±0,05***	36,7±0,02	36,6±0,10
Лейкоцитлар ×10 ⁹ /л	9,9±0,32	7,97±0,33*	6,84±0,24	6,47±0,21
МСМ ед	0,199±0,006	0,142±0,005**	0,129±0,005	0,118±0,002**
ЛИИ ед	2,54±0,06	1,49±0,05***	1,17±0,04*	1,01±0,03
ЭЧТ мм/с	49,2±1,46	37,13±1,11***	24,38±0,72***	17,85±0,58***

Изоҳ: * - олдинги кун кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

II гуруҳдаги ўпканинг йирингли касалликлари билан касалланган беморлар организми интоксикация кўрсаткичларини ўрганиш натижасида ўзгаришлар аниқланган (2-жадвал).

Кўриниб турибдики, даволашнинг биринчи кунда беморнинг тана ҳарорати ўртача 39,9±0,09°C бўлган. Қон лейкоцитлари таркиби ўртача 9,9±0,32x10⁹/л ни, ўрта молекулалар ҳажми ўртача 0,199±0,006 бирликни

ташқил этган. Худди шу тарзда, ЛИИ ва ЭЧТ ўсиши қайд этилган. Даволашнинг учинчи кунда тана ҳарорати кўрсаткичлари $39,9 \pm 0,09^{\circ}\text{C}$ дан $37,03 \pm 0,05^{\circ}\text{C}$ гача пасайган, қон лейкоцитлари сони ўртача $7,97 \pm 0,33 \times 10^9/\text{л}$ гача камайган. Ўрта молекулалар ҳажми ўртача $0,142 \pm 0,005$ бирликни ташқил этган. ЛИИ ва ЭЧТ индексларининг мос равишда $1,49 \pm 0,05$ ва $37,13 \pm 1,11$ гача пасайиши кузатилган.

Даволашнинг еттинчи кунга келиб, бу кўрсаткичлар, улар янада пасайиш кузатилган бўлсада, аммо меъеридан юқори бўлиб қолган. Ўн тўртинчи кунга қадар даволаиш ва кузатув билан, қоннинг ЭЧТ дан ташқари, таҳлил қилинган барча интоксикация кўрсаткичлари нормал даражада бўлган.

II гуруҳ ўпканинг йирингли касалликлари билан касалланган беморларнинг балғамидан унган микрофлоранинг тур таркиби аниқланган.

Кўпгина ҳолларда, 38 нафар беморда *Staphylococcus aureus* 23 нафарида аниқланган, шулардан 14 таси (60,9%) монокультура шаклида ва 9 таси (39,1%) ассоциация кўринишида аниқланган. *Streptococcus pneumoniae* 4 та (10,5%) ҳолатда, *Proteus spp* 2 нафар (5,3%) беморда аниқланган, 5 та (13,2%) ҳолатда *Streptococcus haemoliticus* кузатилган, *Pseudomonas aeruginosa* 3 нафар (7,9%) беморда аниқланган.

Рентгенологик тадқиқотлар ва кўкрак қафасининг МСКТ кўрсаткичларини динамик таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қабул қилинган кундаги ўлчамлар II гуруҳдаги беморларда ўпканинг йирингли ўчоқ бўшлиқлари ўлчамлари I гуруҳдагилар билан бир хил бўлган. Қабул қилинган турли гуруҳларнинг ушбу кўрсаткичлари сезиларли даражада фарқ қилмаган (3-жадвал). II гуруҳдаги беморларда динамикада даволаниш жараёнида йирингли бўшлиқ ўлчамлари ўзига хос даражада кичрайган. Шуни таъкидлаш керакки, II гуруҳдаги беморларда бўшлиқ ҳажмини камайиш даражаси I А, Б ва В кичик гуруҳларига қараганда тез суъратларда қайд этилган. Учинчи жадвалдан кўриниб турибдики, даволаш жараёнида учинчи кунга келиб, назорат гуруҳидаги беморларда, йирингли бўшлиқлар ҳажми камайиши, максимал 30,15% га камайган. I ва II гуруҳларнинг ушбу кўрсаткичларини кейинги динамик таққослаш таҳлиллари I гуруҳдаги ўпканинг йирингли бўшлиқининг назотрахеобронхиал дренажидан фойдаланган беморларда йирингли бўшлиқлар ҳажми пасайишининг сезиларли даражада тезлашганлиги аниқланган, шунингдек, йирингли бўшлиқларнинг консерватив ёки транстрахиал дренажидан фойдаланилган. Даволашнинг ўн тўртинчи кун давомида II гуруҳдаги беморлар бўшлиқларининг катталиги энг кичик ҳажмга эга бўлганлиги сабабли, улар бошланғич ўлчамдан 75,4% гача қисқарган, яъни бу даврларда бўшлиқларнинг катталиги $1,8 \pm 0,05$ см га тенг бўлган, бу эса олдинги ҳажмдан 24,6% гача камайган. Ушбу даврларда I А, Б ва В назорат гуруҳидаги беморларда йирингли бўшлиқларнинг ҳажми ва катталиги дастлабки ўлчамларга мос равишда 34,3%, 35,5%, 53,4% га тенг бўлган.

3-жадвал

I гуруҳга (А, Б и В) нисбатан II гуруҳдаги абсцесс бўшлиқлари ҳажмининг кичрайиш динамикаси

Касаллар гуруҳи	Бўшлиқлар ўлчами, см				
	Келган куни	3-кун	7-кун	14-кун	20-кун
Назорат IA	6,72±0,26 (100%)	6,19±0,27 (92,07%)	5,45±0,22 (81,17%)	4,41±0,21 (65,68%)	3,4±0,15 (50,6%)
IB	6,82±0,20 (100%)	5,87±0,18 (86,19%)	5,19±0,17 (76,14%)	4,4±0,14 (64,5%)	3,11±0,10 (45,6%)
IV	7,31±0,39 (100%)	5,34±0,22 (73,11%)	4,78±0,29 (65,48%)	3,3±0,38 (46,5%)	2,5±0,37 (34,2%)
II гуруҳ	7,30±0,28 (100%)	5,1±0,17 (69,85%)	4,21±0,19 (57,64%)	1,8±0,05 (24,6%)	-

Изоҳ: - * жадвалда келтирилган муддат бўйича бўшлиқлар кичрайиш ўлчамлари орасидаги фарқлар аҳамиятли ($p < 0,05$).

Беморлар аҳволи динамикасини баҳолашнинг навбатдаги босқичи пулсоксиметр ёрдамида сатурациясини аниқлаш бўлган. II гуруҳдаги беморларда, олдинги гуруҳлардаги пулсоксиметрия кўрсаткичлари одатдагидан $90,50 \pm 0,63\%$ дан сезиларли даражада паст бўлган. Даволаш жараёнида II гуруҳдаги беморларнинг $SpO_2\%$ кўрсаткичи аввалги гуруҳларга қараганда тезроқ тикланган. Даволанишнинг учинчи кунда II гуруҳдаги беморларнинг $SpO_2\%$ кўрсаткичлари динамик ўсиши дастлабки $2,7\%$ атрофида, еттинчи кунга келиб бу кўрсаткич $3,83\%$ га ошган, ўн тўртинчи кунда ижобий динамик фарқ $5,1\%$ га тенг бўлган, бошланғич ва $SpO_2\%$ нормал қийматлари $95,60\% \pm 0,43$ га этган. (4-жадвал)

4-жадвал

II - гуруҳ пулсоксиметрияси кўрсаткичлари динамикаси I (A, B ва B) гуруҳларга нисбати

Касаллар гуруҳи	$SpO_2\%$ кўрсаткичи				
	Келган куни	3-кун	7-кун	14-кун	20-кун
Назорат IA	92,06±0,08	92,39±0,10	92,96±0,11	93,93±0,10*	94,67±0,12*
IB	91,51±0,09	91,96±0,08	92,64±0,11	94,43±0,12***	94,78±0,17*
IV	91,72±0,16	92,18±0,20*	93,90±0,28**	94,08±0,19****	94,94±0,31***
Асосий II	90,50±0,16	93,20±0,46***	94,33±0,75***	95,60±0,43***	

Изоҳ: * - аввалги кунлар кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (* - $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

II гуруҳдаги стационар даволанишнинг ўртача давомийлиги $12 \pm 1,8$ кун бўлган.

II гуруҳдаги беморларни даволашда олинган натижалар ривожланган техникага кўра йирингли бўшлиқларни назотрахеобронхиал катетеризациясини биргаликда қўллаш билан ўпка йирингли касалликлари билан касалланган беморларни даволаш кўрсаткичлари динамикасининг бир қатор ижобий томонлари аниқланган, бу асосан йирингли бўшлиқларни инфекциядан тозалаш учун зарур бўлган вақтнинг тезлашиши ва йирингли

бўшлиқларнинг эрта кичрайиши билан намоён бўлган. Бўшлиқлардаги маҳаллий жараёни ва беморларнинг умумий аҳволини баҳолаш учун бактериологик, клиник, биокимёвий, рентгенологик мезонларни таққослашда тасдиқланган.

ХУЛОСАЛАР

«Ўпка йирингли касалликларини миниинвазив даволаш усули» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Этиопатогенетик, симптоматик ва умумий антибиотикотерапия орқали анъанавий даволаш усулларида фойдаланган ҳолда ўпканинг йирингли касалликлари билан даволашда йирингли бўшлиқларни инфекциядан кеч тозаланиши, фақат даволашнинг 14-кунигача кузатилди. Биокимёвий интоксикация кўрсаткичлари даволанишнинг фақат 16-18 кунигача нормаллашади. Бўшлиқ ўлчами қисқаришининг максимал вақти 18-20 кунгача, пулсоксиметр кўрсаткичларини нормаллаштириш вақти 16-18 кунгача. Шу билан бирга, беморларни даволашнинг ўртача давомийлиги $22 \pm 2,4$ кунни ташкил этди.

2. Йирингли ўпка касалликларини даволашда трахеобронхиал дренаждан фойдаланиш даволаш натижаларига ижобий таъсир кўрсатади, асосан йирингли бўшлиқларни инфекциядан тозаланиш тезлаштиради. Абсцесс бўшлиғининг қисқариш вақти тезлашади, шунингдек бўшлиқнинг қисқариши ва пулсоксиметрия кўрсаткичларнинг синхрон динамикаси нормаллашади, даволашнинг ўртача давомийлиги эса 14-16 кунни ташкил этади.

3. Антибиотик терапияси билан ўпканинг йирингли бўшлиқларини назотрахеобронхиал катетеризация орқали санация қилиб комплекс даволашда аниқланган интоксикациянинг барча кўрсаткичлари, йирингли бўшлиқлар ҳажми пасайиши динамикаси, нормаллаштириш вақти ўртача I А кичик гуруҳидан 6-8 кунга олдин, I Б кичик гуруҳ 4-6 кун олдинга тезлашган ва I В кичик гуруҳдан эса 2-4 кунга олдинга яхшиланган. Йирингли бўшлиқларни назотрахеобронхиал катетеризациядан фойдаланганда ўпканинг йирингли касалликлари билан даволашнинг асосий афзалликлари бу йирингли бўшлиқлар ҳажми пасайишининг тезлашиши бўлиб, максимал пасайиш 12-14 кунга, бошланғич кўрсаткичдан 24,6% гача камайган. Ушбу тоифадаги беморларда даволаниш муддатини бошқа миниинвазив усуллардан кўра ишонarli қисқартиради.

4. Ўтказилган тадқиқотлар қиёсий таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ўпканинг йирингли касалликлари билан касалланган беморларни даволашда биз таклиф қилган ўпка йирингли бўшлиқларини назотрахеобронхиал катетеризация қилиш усули даволашнинг камжароҳатли, миниинвазив, энг самарали усули ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАСАНОВ АЗИЗ КОСИМОВИЧ

**МАЛОИНВАЗИВНЫЙ МЕТОД ЛЕЧЕНИЯ ГНОЙНЫХ
ЗАБОЛЕВАНИЙ ЛЕГКИХ**

14.00.27 – Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

БУХАРА - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в высшей аттестационной комиссии при кабинете министров республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Tib990

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации выполнен на трех языках (узбекский, русский, английский), и размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz), и на информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Сафоев Бакодир Барноевич
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: Хамидов Магомед Ахмедович
доктор медицинских наук, профессор
(Российская федерация)

Уроков Шухрат Тухтаевич
доктор медицинских наук

Ведущая организация: Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии

Защита состоится «8» июня 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного Совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. А.Навои,1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрировано за № 021). Адрес: 200118, г. Бухара, ул. А. Навои,1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «23» июня 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 16 от 23 июня 2021 года).



[Handwritten signature]

А.Ш. Иноят

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

[Handwritten signature]

Д.Н. Ачилова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, PhD по медицинским наукам

[Handwritten signature]

Н.А. Нуралиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «среди всех гнойно-хирургических патологий гнойно-деструктивные заболевания легких и плевры составляют 10-18%, при этом по показателям инвалидности и смертности они занимают 4-е место»¹. Диагностика и лечение гнойных заболеваний легких сегодня не утратили своей актуальности, так как необходимо использовать различные методы лечения этих заболеваний, в том числе малоинвазивные методы, и внедрение их в практику здравоохранения. «...Летальность при гнойно-деструктивных заболеваниях легких и плевры в зависимости от степени тяжести колеблется от 2,1% до 35,6%, при гангренозных абсцессах от 23,4% до 74,1%»². Повышение эффективности лечения пациентов малоинвазивными методами - требование времени.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными продолжают оставаться исследования по изучению патогенетических механизмов возникновения острых гнойно-деструктивных заболеваний легких, при этом ведущие специалисты мира работают над совершенствованием бронхоскопических методов реабилитации для лечения острых гнойно-деструктивных заболеваний легких малоинвазивным современным хирургическим методом, и для улучшения результатов лечения гнойных очагов с помощью транстрахиальных, трансторакальных методов дренирования. Несмотря на успехи, достигнутые в последние годы в этой области, лечение гнойных заболеваний легких остается актуальной проблемой хирургии. Достигнутые до сих пор результаты не полностью удовлетворяют практических врачей. В связи с этим поиск эффективных и малоинвазивных методов лечения гнойно-деструктивных заболеваний легких, разработка новых, технологий остается одним из приоритетных направлений.

В настоящее время в нашей стране принимаются масштабные адресные меры по кардинальному повышению качества и значительному расширению спектра оказываемой населению медицинской помощи. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы ставит задачи по «...уязвимым слоям населения, развивать и совершенствовать систему медико-социальной помощи для улучшения их образа жизни...»³. В этом направлении достигнуты положительные результаты, особенно в повышении качества лечения пациентов с абсцессами легких, с применением множества новых хирургических и консервативных методов лечения. Однако для совершенствования системы оказания

¹ Lopez-Campos JL, Miravittles M, de la Rosa Carrillo D, Cantón R, Soler-Cataluña JJ, Martínez-García MA. Current Challenges in Chronic Bronchial Infection in Patients with Chronic Obstructive Pulmonary Disease.//J Clin Med. 2020 May 28;9(6).-P.1639

² Troy LK, Grainge C, Corte TJ, Williamson JP. Diagnostic accuracy of transbronchial lung cryobiopsy for interstitial lung disease diagnosis (COLDICE): a prospective, comparative study.// Lancet Respir Med. 2020 Feb;8(2).-P.171-181

³ Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

медицинской помощи необходимы научно обоснованные результаты для оценки эффективности новых методов хирургического лечения при лечении гнойных заболеваний легких, что является важной проблемой для специалистов в данной области.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан № 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» и УП-5590 от 7 декабря 2018 года “О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан” и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

